Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 13 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 211 (13.274)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2016 йил 12 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев раислигида Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда келгуси йилнинг энг муҳим молиявий-иқтисодий ҳужжатлари бўлган – 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозлари, солиқ ва бюджет сиёсати концепциялари, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳамда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳалари ҳар томонлама муҳокама қилинди ҳамда қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган, жорий йилда макроиқтисодий барқарорликни ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлашни, шунингдек, Давлат бюджетининг асосий параметрлари бажарилишини таъминлаган 2016 йилги ва келгуси йиллар учун иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича кўрилаётган тизимли чора-тадбирлар чуқур таҳлил қилинди.

Мажлис давомида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган 2017 йилги макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози бўйича таклифлар муҳокама қилинди ва қўллаб-қувватланди. Уларда ялпи ички маҳсулотни, инвестициялар, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш ҳажмларининг жадал ўсиш суръатларини ҳамда нархларнинг умумий даражаси ўсишини сақлаш ҳисобига макроиқтисодий барқарорликка эришиш назарда тутилган.

Мажлисда 2017 йилда солиқ ва бюджет сиёсатини янада такомиллаштириш бўйича солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришни, маҳаллий бюджетларнинг ва мақсадли бюджетдан ташқари фондларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашни, шунингдек, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини молиялаштиришнинг устуворлиги сақланишини назарда тутувчи таклифлар бирма-бир кўриб чиқилди.

Солиқ юкини камайтириш бўйича энг муҳим чора-тадбирлар қаторида иқтисодиёт тармоқларига солиқ юкламасини сезиларли юмшатадиган айрим солиқ имтиёзлари амал қилиш муддатини узайтириш назарда тутилган. Булар солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш ҳамда сақлаб қолинадиган маблағларни ўз фаолиятини янада ривожлантириш ва модернизациялаш, ходимлар иш ҳақини ва инвесторлар даромадини оширишга йўналтириш имконини беради.

Қайд этиб ўтилдики, солиқ сиёсати концепциясида назарда тутилган рағбатлантирувчи чора-тадбирларнинг амалга оширилиши келгуси йилда мамлакат иқтисодиётига солиқ юкини янада камайтиришни таъминлайди.

Мажлисда 2017 йилги Давлат бюджети харажатларининг асосий параметрларига алоҳида эътибор қаратилди. Ишлаб чиқилган Давлат бюджети лойиҳасида ижтимоий харажатларни молиялаштиришга қарийб 60 фоиз маблағлар ажратилиши ушбу лойиҳада юқори ижтимоий йўналтирилганлик сақланиб қолгани қайд этиб ўтилди. Келгуси йилда бюджет соҳаси ходимлари иш ҳақи, пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва стипендиялар миқдорларини янада ошириш, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техник базаси ва жиҳозланганлигини мустаҳкамлашга оид ишларни давом эттириш назарда тутилмоқда.

Вазирликлар, идоралар ва ҳудудлар раҳбарларининг эътибори ижтимоий соҳа ва инфратузилмани ривожлантиришга ажратилаётган бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланилиши юзасидан қатъий назоратни таъминлаш зарурлигига, инвестиция лойиҳаларини ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича тасдиқланган дастурлардаги энг муҳим чора-тадбирларни молиялаштиришга қаратилди.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимликлари раҳбарлари олдига иқтисодиётнинг барча тармоқлари корхоналарининг молиявий-иқтисодий ҳолатини тизимли кўриб чиқиш ва мустаҳкамлаш, бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тўловлар бўйича ўз вақтида ҳисоб-китобларни таъминлаш вазифаси қўйилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туман ва шаҳар ҳокимликларига янги корхоналарни ишга тушириш ва мавжуд корхоналар фаолиятини кенгайтириш, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳисобига маҳаллий бюджет даромад қисмини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни қабул қилиш юзасидан топшириқлар берилди.

Бандликни ошириш бўйича чора-тадбирларни фаол давом эттиришнинг муҳимлиги ва ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда республика Ҳукумати мажлисида 2017 йилда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси параметрлари ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилинди.

Дастур лойиҳаси республика иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларида мавжуд ресурс ва захираларни тўлиқ сафарбар қилиш, жумладан, саноат, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма соҳасини модернизациялаш ва ривожлантириш, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уй меҳнатининг барча шаклини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида мамлакат аҳолисининг бандлигини янада оширишни кўзда тутади.

Дастур лойиҳасининг асосий йўналишлари ва кўрсаткичларини кўриб чиқиш давомида барча даражадаги ҳокимликлар, хўжалик бошқаруви органлари, корхоналар, тегишли вазирликлар ва идоралар раҳбарлари олдига янги иш ўринлари ташкил этиш параметрларига эришишни сўзсиз таъминлаш, бандликни ошириш масалаларини амалда ҳал этиш ҳамда шу асосда аҳоли даромадларини, ҳаёти даражаси ва сифатини янада ошириш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Мажлисда, шунингдек, ёшларни, энг аввало, 2016/2017 ўқув йилида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Республика Ҳукумати мажлисидаги муҳокамалар натижалари бўйича 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози, солиқ ва бюджет сиёсати концепциялари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ҳамда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳалари маъқулланди ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига кўриб чиқиш учун юборишга қарор қилинди.

ЎзА

Сайлов – 2016

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси сайлов департаменти раҳбари Александр Шлик бошчилигида мамлакатимизга ташриф буюрган Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси (ЭБМ) экспертлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов экспертларга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича Марказий ҳамда округ сайлов комиссиялари томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида маълумот берди.

Ўзбекистонда Президент сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказиш очиқлик ва ошкоралик тамойиллари асосида амалга оширилмоқда. Сайлов кампанияси билан боғлиқ барча материаллар Марказий сайлов комиссияси сайтига жойлаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ҳамда округ сайлов комиссиялари матбуот марказлари фаолият кўрсатмоқда. Марказий сайлов комиссияси йиғилишлари онлайн шаклда ўтказилмоқда.

ЭБМ экспертларининг фикрича, Марказий сайлов комиссияси томонидан бўлажак сайловларни кузатиш юзасидан ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросига таклифноманинг ўз вақтида юборилгани халқаро сайлов стандартлари талабларига тўла мос келади.

Марказий сайлов комиссияси фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчиллик билан такомиллаштирмоқда. Бунда халқаро кузатувчилар, хусусан, ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг ўтган сайловлардаги кузатувлари натижалари бўйича тавсиялари инобатга олинмоқда.

ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгартишлар, жумладан, сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Президенти номзодини қўллаб-қувватлаш учун сайловчиларнинг зарур имзолари 5 фоиздан 1 фоизга камайтирилганини ижобий баҳолади.

ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси экспертлари Марказий сайлов комиссияси томонидан округ сайлов комиссиялари вакиллари учун ўтказилган онлайн семинар-тренингларга ҳам юқори баҳо берди.

Учрашувда ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси экспертлари фаолиятини самарали ташкил этиш, икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга оид масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Б.БОЗОРОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЕТТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2016 йил 12 октябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Н.Йўлдошев бошқарди.

Сенаторлар ўз ишини Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 23-бандига мувофиқ парламентнинг юқори палатасига киритилган **"Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"**ги масалани кўриб чиқишдан бошладилар.

Мажлис иштирокчилари таъкидлаганларидек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши давлатимиз инсонпарварлигининг, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланишининг, олиб борилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ҳамда социал-иқтисодий ислоҳотлар унинг мазмун-моҳиятини акс эттиришининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Амнистия актининг айрим тоифадаги шахсларга нисбатан қўлланилиши катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамият касб этади, суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштиришга қаратилган стратегик йўлнинг давоми саналади.

Ушбу масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Қарорда аёлларни, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсларни, 60 ёшдан ошган эркакларни, чет давлатлар фуқароларини, шунингдек, қонунда белгиланган тартибда I ёки II гуруҳ ногиронлари деб топилган шахсларни, бошқа тоифадаги қатор фуқароларни (айрим чекловларни ҳисобга олган ҳолда) жазодан озод этиш назарда тутилган. Шунингдек, амнистия тўғрисидаги қарор татбиқ этилмайдиган шахслар тоифалари ҳам белгиланган.

Сенат қарори қўлланилиши тартиби белгиланиб, унда амнистия ҳужжати бўйича жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод этилиши лозим бўлган шахсларга нисбатан ишлар ҳамда материалларни судда кўриб чиқиш тартиб-таомили белгилаб берилмоқда.

Бунда сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари депутатлари амнистия тўғрисидаги қарорнинг қўлланилиши, шунингдек, қарорни ижро этиш тартиб-таомиллари очиқ-ошкоралигининг таъминланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга оширишда фаол иштирок этиши назарда тутилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидаги маҳкумлар:

а) аёллар;

б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;

в) 60 ёшдан ошган эркаклар;

г) чет давлатлар фуқаролари;

д) Амнистия тўғрисидаги Қарор кучга киргунга қадар қонунда белгиланган тартибда I ёки II гуруҳ ногиронлари, шунингдек сил касаллигининг фаол шаклига чалинган (диспансер ҳисобида 1 ва 2 гуруҳ) деб эътироф этилган шахслар жазодан озод қилинсин.

Ушбу банднинг амал қилиши:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167 ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 104-моддаси учинчи қисми "д" бандида назарда тутилган, шунингдек ўта оғир жиноятни содир этган шахсларга;

тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан татбиқ этилмасин.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни қасддан содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

Ушбу банднинг амал қилиши:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167 ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган шахсларга;

тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан татбиқ этилмасин.

3. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати уч йилдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар жазодан озод қилинсин.

Ушбу банднинг амал қилиши:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167 ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддасида, 104-моддаси учинчи қисми "д" бандида назарда тутилган жиноятни содир этган шахсларга;

тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан татбиқ этилмасин.

4. Тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

5. Мазкур Қарорнинг 1-бандида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишлар тугатилсин.

Ушбу банднинг амал қилиши:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167 ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 104-моддаси учинчи қисми "д" бандида назарда тутилган, шунингдек ўта оғир жиноятни содир этган шахсларга;

тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан татбиқ этилмасин.

6. Ушбу Қарор асосида озод қилинмайдиган шахсларнинг:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати – учдан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати тўртдан бир қисмига қисқартирилсин.

Ушбу банднинг амал қилиши:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахсларга;

тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан татбиқ этилмасин.

7. Ушбу Қарорнинг амал қилиши – узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган; ўта хавфли рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган; афв этиш ёки амнистия тартибида илгари жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга; шунингдек ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога алмаштирилган шахсларга нисбатан татбиқ этилмасин.

8. Ушбу Қарорга мувофиқ асосий жазодан озод этилган маҳкумлар қўшимча жазолардан озод қилинмайди.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қўмита ва комиссиялари ушбу Қарорнинг қўлланилиши тартиб-таомилларининг очиқ-ошкора амалга оширилишини таъминлаш устидан бевосита сенаторлар, депутатлар, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари иштирокида таъсирчан парламент ва жамоатчилик назоратини ташкил этсин.

10. Ушбу Қарор амалга оширилиши учун масъулият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

11. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси
Н.ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 12 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЕТТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Муайян тоифадаги шахсларни жавобгарликдан ёки жазодан нафақат озод қилишни, балки уларни даволашни, ишга жойлаштиришни, шунингдек, жазодан озод этилаётган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ҳаётга мослаштиришни белгилаб берувчи бир қатор тадбирлар назарда тутилган.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан таклиф этилган "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурини ижро этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган **"Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Ушбу қонун аҳолининг эҳтиёжманд тоифаларига кўрсатиладиган ижтимоий хизматларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг умумий талаблари ва асосий йўналишларини аниқлаб олиш, шунингдек, давлат ташкилотлари, нодавлат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларининг ушбу соҳадаги роли ва жавобгарлигини ошириш мақсадида қабул қилинганлиги таъкидланди. Ижтимоий хизматлар кўрсатиш жараёни устидан мониторинг юритиш ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари назарда тутилмоқда.

Қонун аҳолининг эҳтиёжманд тоифаларига кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар сифати, даражаси ва самарадорлигини оширишга, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга доир кафолатларни мустаҳкамлаб қўйган яхлит ҳужжатдир.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатда ижтимоий хизматлар кўрсатиш самарадорлигини ошириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари аниқ белгилаб қўйилган, ижтимоий хизматларга муҳтож аҳоли тоифалари аниқлаб берилган, уларни аниқлаш мезонлари ва тартиби белгиланган.

Қонунда, айниқса, таълим, ишга жойлаштириш ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ижтимоий хизматлар кўрсатиш шакллари ҳамда турлари муҳим ўрин эгаллайди, ушбу соҳадаги идоралараро ҳамкорлик ва ижтимоий шериклик масалалари тартибга солинмоқда.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва амалдаги қонун ҳужжатларини инобатга олган ҳолда аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларга хизматлар кўрсатиш борасидаги ваколатли органлар ва ташкилотларнинг, шу жумладан, фуқаролик жамияти институтларининг, тадбиркорлик субъектларининг вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари аниқ белгилаб берилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонун нормаларининг рўёбга чиқарилиши ижтимоий ҳимоя қилиш тизими жамоатчилик назорати учун очиқ бўлишини таъминлайди, нафақат аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш жараёнини тартибга солишга, балки фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини янада яхшилашга, кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар сифати ва самарадорлигини оширишга, мамлакатда амалга оширилаётган кўламдор кучли ижтимоий сиёсат давом эттирилишини таъминлашга хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган ва парламентга киритилган **"Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"**ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Амалдаги қонунга киритилиши назарда тутилган ўзгартиш ва қўшимчалар касаба уюшмалари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга, қонуннинг амалда қўлланиш амалиётини таҳлил қилиш натижасида аниқланган эскирган нормалар, қоидалар ва нуқсонларни бартараф этишга, фойдаланилаётган тушунчалар ва атамаларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлашга, қонуннинг айрим нормаларини янги қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлаштиришга қаратилганлиги қайд этилди. Ҳозирги замон талаблари инобатга олган ҳолда, шу жумладан, якка тартибдаги тадбиркорлар ишлайдиган жойларда, шунингдек, тармоқлар ва ҳудудлар даражасида касаба уюшмалари ташкилотларини тузиш ва фаолиятини таъминлаш тартиби белгиланди. Касаба уюшмалари органларининг сайлаб қўйиладиган лавозимларига сайланиши муносабати билан ишдан озод этилган ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя қилиш кафолатлари кучайтирилди. Ходимларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда касаба уюшмаларининг ролини оширишга қаратилган бошқа ташкилий-ҳуқуқий механизмлар мустаҳкамланди.

Олий Мажлис Сенати аъзоларининг фикрича, ушбу қонуннинг қабул қилиниши ижтимоий-меҳнат соҳасида касаба уюшмалари фаолияти эркинлигининг кафолатланишини таъминлашга хизмат қилади, ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилашга, ижтимоий-меҳнат соҳасида қонунийликни таъминлашга ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришга кўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар. Ушбу қонунга мувофиқ бир қатор қонун ҳужжатларига ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларида амал қилиб турган қонун



ҳужжатларини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 февралда қабул қилинган "Аҳолининг ҳужатманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Меҳнат вазирлигига ўзгартирилди, унинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари белгилаб берилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқармалари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари зиммаларига ногиронлар, шу жумладан, ногирон болалар, уруш қатнашчилари, фахрийлар, ёлғиз кексалар ва аҳолининг бошқа заиф қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам бериш, имкониятлари чекланган шахсларнинг касбга ўқитилишини ташкил этиш ва инклюзив касбга ўқитишни ривожлантириш, Молия вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари зиммаларига муҳтож оилаларга ҳамда фуқароларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинланиши ҳамда тўланиши устидан мониторинг олиб бориш вазифалари юклатилди. Шунингдек, ногиронлар ва кексалар учун мўлжалланган Мурувват ҳамда Саховат уй-интернатлари, Ногиронлар учун реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази, ногиронлар учун минтақавий реабилитация марказлари, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаториялар ҳамда пансионатлар, шунингдек, қатор таълим муассасалари Меҳнат вазирлиги тасарруфидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфига ўтказилди.

Қайд этилган Фармон талабларидан келиб чиқиб, қонунда бир қатор қонун ҳужжатларига, жумладан, "Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги, "Воя-га етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонунларга, шунингдек, Солиқ кодексига ҳамда Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Парламент юқори палатаси вакиллари таъкидлаганларидек, киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексалар ва аҳолининг бошқа заиф қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам беришга, уларнинг турмуш даражаси ва сифатини оширишга, шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини юксалтиришга кўмаклашади.

"Ветеринария тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига, хусусан, "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги, "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги, "Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги қонунларга, шунингдек, Жиноят кодексига, Солиқ кодексига, Бюджет кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар ветеринария тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ҳамда ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларидаги номувофиқликларни бартараф этишга, қонун ҳужжатлари нормаларидаги атамалар ва тушунчаларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлашга хизмат қилади.

Жиноятлар таҳлилини, динамикасини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳисобга олган ҳолда Жиноят кодексига фирибгарлик ва транспорт воситасини олиб қочганлик учун жавобгарликни янада кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар киритилди.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу тузатишлар жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришга, жазолашда адолат принципини таъминлашга, шунингдек, ушбу соҳаларда жиноят содир этилишига қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга кўмаклашади.

Шунингдек, Жиноят кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга бюджет ҳамда смета-штат интизоми соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни таснифлашда ҳуқуқни қўллаш амалиётида мавжуд бўлган номувофиқликларнинг бартараф этилишини ва бир хилда талқин этилишини таъминлашга, шунингдек, Бюджет кодексидаги айрим нормаларнинг ва жиноят тўғрисидаги ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг мазмунидаги тафовутларни бартараф этишга қаратилган ўзгартишлар киритилмоқда.

Ушбу ўзгартишлар ҳам бюджет ва смета-штат интизомини бузганлик учун жавобгарликни янада эркинлаштиришга ва мақбуллаштиришга қаратилган. Жумладан, шу соҳада фақат кўп миқдорда ёки жуда кўп миқдорда содир этилган қилмишлар жиноий жавобгарликка, унча кўп бўлмаган миқдорда ёки анча миқдорда содир этилган қилмишлар маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Сенаторлар ушбу ўзгартишларнинг киритилиши бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни янада мақбуллаштиришга ва бюджет интизомини мустаҳкамлашга хизмат қилишини қайд этдилар. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар **"Халқаро меҳнат ташкилотининг бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 87-сонли Конвенциясини ратификация қилиш ҳақида"**ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Конвенция Халқаро меҳнат ташкилотининг 1948 йилги Бош Конференциясида қабул қилинган бўлиб, унда ходимлар ва иш берувчиларнинг ташкилотлар тузиш, шунингдек, бундай ташкилотларга аъзо бўлиш ҳуқуқи назарда тутилган. Конвенцияда ушбу ташкилотларнинг ўз уставлари ва маъмурий регламентларини ишлаб чиқиш, ўз фаолиятини ташкил этиш, ҳаракат дастурини тасдиқлаш ҳамда рўёбга чиқариш ҳуқуқлари назарда тутилмоқда. Бирлашиш ҳуқуқини чекловчи ёки унинг қонунчилик йўли билан амалга оширилишига тўсқинлик қилувчи давлат органлари аралашувидан ҳоли бўлиш кўзда тутилмоқда, ходимлар ва иш берувчиларнинг бирлашиш бўйича ўз ҳуқуқини эркин амалга оширишини кафолатловчи чора-тадбирлар ҳамда бошқа ҳуқуқлар қайд этилмоқда.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ушбу Конвенция қоидаларига тўлиқ мувофиқ келишини таъкидладилар. Хусусан, фуқароларнинг касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқларининг конституциявий кафолатлари белгиланган бўлиб, бундай кафолатлар Ўзбекистон Республикасининг 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатида, шу жумладан, "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунда ва Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида мустаҳкамлаб қўйилган.

Ҳозирги вақтда 14 та тармоқ, 14 та ҳудудий ва 37 мингдан ортиқ бирламчи касаба уюшмаси ташкилотини бирлаштирувчи Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси 6,3 миллиондан зиёд ходимнинг манфаатларини ифодалайди.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу Конвенциянинг ратификация қилиниши ҳар бир кишининг ўзгалар билан эркин уюшма тузиш ҳуқуқини, шу жумладан, касаба уюшмаларини тузиш ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмаларига аъзо бўлиш ҳуқуқини кафолатловчи 1948 йилги Бутунжаҳон инсон ҳуқуқлари декларациясида акс этган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг умумэътироф этилган нормаларига Ўзбекистон содиқ эканлигининг исботи бўлади, шунингдек, халқаро ташкилотлар, энг аввало, Халқаро меҳнат ташкилоти билан конструктив муносабатларни ривожлантиришда муҳим омил бўлади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди таркибларига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Барча кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сенатнинг ялпи мажлиси давомида демократик ислоҳотларни босқичма-босқич чуқурлаштиришга ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган 10 та масала, шу жумладан, 4 та қонун кўриб чиқилди. Уларнинг амалга оширилиши аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш, мамлакатда барқарорлик ва фаровонликни мустаҳкамлаш учун кучли омил бўлиб хизмат қилади.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

ШАҲАР ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни шаҳар округ сайлов комиссияси раиси А.Юнусхўжаев олиб борди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари ва уларнинг шахсий таркибини шакллантириш, Миробод ва Шайхонтоҳур туман ҳокимликларининг сайлов участкалари учун зарур шароитлар яратиш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан ҳисоботлари, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан сайлов участкаларида олиб борилаётган ишлар ҳамда участка сайлов комиссиялари фаолияти учун намунавий ҳужжатлар тайёрлашга оид масалалар кўриб чиқилди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16- ва 18^1-моддалари ҳамда округ сайлов комиссиясининг иш режасига мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан участка сайлов комиссиялари ва уларнинг шахсий таркибини шакллантиришнинг бориши тўғрисидаги ахборот эшитилди.

Муҳокама жараёнида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари эътибори участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодларни танлаш мезонларига риоя қилиш, участка сайлов комиссияси аъзолигига таклиф этиладиган номзодларнинг участка ҳудудида жойлашган корхона, ташкилот, муассаса, жамоат ташкилотлари, мактаб, коллеж, академик лицей раҳбарлари ва ходимлари каби турли соҳа вакилларидан иборат бўлишини таъминлашга, уларнинг партиясиз бўлиши ва вақтинча партиядан чиқиши мумкин эмаслигига қаратилди.

Йиғилиш кун тартиби бўйича Миробод ва Шайхонтоҳур туманлари ҳокимликларининг сайлов участкаларини жиҳозлаш, комиссия фаолиятини олиб бориш учун зарур шароитлар яратиш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан ҳисоботлари муҳокама этилди.

Ушбу масала юзасидан 2016 йилнинг 20 октябрига қадар туман ҳудудидаги сайлов участкаларини зарур жиҳозлар билан таъминлаш чораларини кўриш белгиланди.

Шунингдек, округ сайлов комиссиясининг иш режасига мувофиқ Тошкент шаҳрида коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан сайлов участкаларида олиб борилаётган ишлар кўриб чиқилди.

Бундан ташқари йиғилишда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари ишини ташкил қилишга оид услубий тавсияларни 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси ҳудудида тузилган барча сайлов участкаларига етказиш масаласи кўриб чиқилди.



Шаҳар округ сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилишида кўриб чиқилган барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Шу куни оммавий ахборот воситалари ходимлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиш якунларига бағишланган брифинг ўтказилди.

Унда шаҳар округ сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилишида кўрилган барча масалалар ва қабул қилинган қарорлар бўйича журналистларга атрофлича ахборот берилди.

(Ўз мухбиримиз)

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқандда "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асослари" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссияси ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда комиссия аъзолари, сайлов ҳуқуқи бўйича эксперт ва мутахассислар, сиёсий партиялар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

● Наманганда тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш ва хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишнинг долзарб масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда хусусий мулк дахлсизлигининг кафолатлари ва ҳимоясини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий механизмлари, тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашувлар олдини олишнинг ҳуқуқий асослари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан фикр алмашилди.

● Ягона порталда "Ўзтрансгаз" АКнинг "Газ таъминотини вақтинча тўхтатиб туриш ёки қайта тиклаш учун электрон ариза тақдим этиш" хизмати ишга тушди. Хизмат Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудуди бўйлаб барча жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилади.

● Фарғона вилоятида жорий йилнинг ўтган даврида экспортчи корхона ва фермер хўжаликлари томонидан 39 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот экспорт қилинди. Жорий йилда вилоятда 1 миллион 947 минг тонна мева-сабзавот, узум, картошка ва полиз маҳсулотлари етиштириш режалаштирилган. Бу 400 миллион доллардан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш имконини беради.

● Навоийда "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан янада яхшилаш – иқтисодий барқарор ўсиш ва жамият фаровонлигининг кафолати" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Истамбулда бутунжаҳон энергетика конгресси бўлиб ўтмоқда. Унда муҳокама этилаётган асосий масалалардан бири ОПЕК ташкилотига аъзо мамлакатлар томонидан нефтни қазиб чиқаришни чеклашга эришишдир.

● Халқаро Олимпия Қўмитаси саммити Бутунжаҳон антидопинг агентлиги (WADA)га допингни тестдан ўтказиш масалаларига жавоб берувчи янги орган тузиш ҳақида таклиф билдирди. ХОҚ Президенти Томас Бах 2018 йилги Олимпиада ўйинларидан эътиборан янги органнинг фаолият бошлаши мўлжалланаётганини таъкидлаб ўтди. Саммитда шунингдек, спортчилар билан ишловчи ва уларга допинг қабул қилишда кўмаклашувчи мураббийлар, шифокорлар ва бошқа шахслар учун жиноий жавобгарликни киритиш ҳақидаги таклиф ҳам билдирилди.

● Жанубий Кореянинг "Samsung" компанияси аккумуляторларининг ёниб кетиши ҳолатларидан сўнг Galaxy NOTE 7 смартфонларини дунё бозорлари бўйлаб тарқатилишини тўхтатди.

● Марснинг шимолий ярим шаридаги "Deuteronilus Mensae" номли ҳудуд инсонларнинг сайёрага илк ташрифи учун энг қулай макон деб топилди. Тадқиқотчиларнинг хулосасига кўра бунга мазкур ҳудудда музликларнинг кўплиги сабаб бўлди. Ҳудуднинг умумий радиуси 100 километрни ташкил этиб, НАСА 2030 йилга келиб Марсга австронавтларни учиришни режалаштираётган бўлса, SpaceX шахсий компанияси 2024 йилдаёқ парвозларни амалга оширмоқчи.

ЎЗБЕК ПАХТА ТОЛАСИ ЖАҲОН БОЗОРИДА ХАРИДОРГИР

Тошкентда XII Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бошланди





Б.Шамсиддинов, Т.Мамадаминов олган суратлар

Пахта бўйича халқаро консультатив қўмитанинг энг муҳим тадбирлари реестрига киритилган ушбу ярмарка дунё миқёсида пахта бозори сиёсатини белгиловчи нуфузли анжуманлардан биридир.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2005 йилдан буён анъанавий ўтказилаётган ярмарка "Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компанияси, "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, Товар-хомашё биржаси ва "Сифат" маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Халқаро пахта уюшмаси, Пахта бўйича халқаро консультатив қўмита, "Cotton Outlook" халқаро ахборот агентлиги ва Халқаро тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар федерацияси сингари нуфузли ташкилотлар билан доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ўзбек пахта толасига бўлган эҳтиёж жаҳон бозорида мунтазам ортмоқда. Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркаси иштирокчилари йил сайин кўпайиб бораётгани ҳам шундан далолатдир. Мисол учун, 2005 йилги дастлабки ярмаркада 30 мамлакатдан 170 га яқин компания вакиллари қатнашган бўлса, 2010 йилда 34 давлатдан 300 дан зиёд фирма ва компания мутахассислари иштирок этди. Бу йил анжуманга 40 дан зиёд давлатдан вакиллар қатнашмоқда. Айни вақтда ўзбек пахтасини етказиб бериш кўлами тобора кенгайиб, дунёнинг янги-янги минтақалари қамраб олинмоқда.

"Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компанияси раиси А.Камолов, "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти раиси И.Ҳайдаров ва бошқалар Ўзбекистон жаҳон пахта бозоридаги етакчи мамлакатлардан бири бўлиб, пахта ишлаб чиқариш бўйича дунёда олтинчи, экспорт бўйича бешинчи ўринда туриши, экспорт имиджини мустаҳкамлаш учун кенг кўламли ишлар қилингани, жаҳон бозорида рақобат кучаяётган ҳозирги шароитда ўзбек пахта толасининг рақобатбардошлигини янада ошириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

"Cotton Outlook" халқаро ахборот агентлиги бош муҳаррири Р.Батлер ўзбек пахта толаси халқаро стандартларга тўла жавоб бериши, тола ишлаб чиқариш даражаси барқарор сақланаётгани истеъмолчиларга мақбул келаётганини алоҳида қайд этди. 42 мамлакатни бирлаштирган Пахта бўйича халқаро консультатив қўмитанинг бошқарувчи директори А.Гитчунс эса дунё миқёсида катта аҳамиятга эга ушбу нуфузли пахта форумида бир неча йиллардан буён иштирок этаётганидан мамнунлигини билдириб, изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли Ўзбекистон жаҳон пахта бозорининг йирик иштирокчиларидан бирига айланганини таъкидлади.

Ярмаркада иштирокчилар Ўзбекистонда янги ва истиқболли навларни яратиш, агротехника тадбирлари ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, пахта етиштиришдан уни тайёрлаш, сақлаш ва транспортировка қилишгача бўлган барча жараёнларни ўз ичига олган пахта саноатини янада ривожлантириш стратегияси билан танишиш имкониятига эга бўлади.

Ярмарканинг асосий воқеалари "Ўзэкспомарказ" махсус павильонида ўтмоқда. Павильон халқаро ярмарка стандартларига мувофиқ жиҳозланган бўлиб, тармоққа оид барча маълумотни қамраб олган ахборот стендлари ўрнатилган. Анжуман қатнашчилари бу йил мамлакатимиз пахта заводларида ишлаб чиқарилган 650 туркум толанинг намуналари билан танишиш ва сифат жиҳатидан ўз эҳтиёжларига мос тойларни танлаб олиш имконига эга.

– Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркаси анъанавий тус олгани қувонарли ҳол, – дейди Россия саноат-савдо вазирининг ўринбосари Виктор Евтухов. – Ярмарка юқори савияда ташкил этилган, самарали ишлаш учун барча шароит яратилган. Жорий йилда йирик миқдорда пахта толаси харид қилиш ва келгусида ҳамкорликни янада ривожлантириш учун қўшма корхона ташкил этиш ниятидамиз.

– Биз 50 минг тонна аъло сифатли тола харид қилиш тўғрисида шартнома имзоладик, – дейди Бангладешдаги "Dsm Commodities Ltd." компаниясининг вакили Фашхур Раҳмон. – Музокаралар жараёни ҳамжиҳатлик руҳида ўтмоқда, сотиш шартлари барча халқаро стандартларга мос. Халқаро ярмаркада иштирокимиз жуда самарали бўлди, у янги алоқалар ўрнатиш, янада фойдали битимларни амалга ошириш имконини берди. Компаниямиз ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор.

Тадбир қатнашчилари ярмарка доирасида бўлиб ўтадиган анжуман ва давра суҳбатларида жаҳон пахта бозорининг бугунги ҳолати ва унинг истиқболларини муҳокама қилиш баробарида, Ўзбекистоннинг тўқимачилик саноатига хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун яратилган қулай шарт-шароитлар билан яқиндан танишмоқда. Зеро, ярмаркада тола намуналаридан ташқари, тўқимачилик корхоналаримизнинг маҳсулотлари – калава, матолар, тайёр буюмлар ҳам кенг намойиш этилмоқда. Тўқимачилик ярмаркаси экспозицияси "Ўзэкспормарказ"нинг алоҳида павильонидан жой олган.

Мамлакатимизда тўқимачилик саноатини ривожлантириш, юртимизда етиштирилган пахтадан юқори қўшимча қийматга эга рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўз самараларини бераётир. Мисол учун, 90-йилларнинг бошида тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари экспортининг умумий ҳажми 7 миллион АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, соҳада олиб борилган изчил ислоҳотлар ва янги бозорларни эгаллаш ҳисобига бу кўрсаткич бир миллиард долларга етиб, тайёр маҳсулотлар дунёнинг элликдан ортиқ мамлакатига экспорт қилинмоқда.

Қўшма корхоналар сони, инвестициялар, жумладан, хорижий инвестициялар оқими кўпаймоқда, илғор технологияларни жорий этиш ҳисобидан ишлаб чиқариш чуқур модернизация қилинмоқда. Бу яқин келажакда ўзбек толасининг ярмидан кўпини бевосита мамлакатимиз корхоналарида қайта ишлаш, пахтани экспорт қилишдан ташқари, жаҳон бозорида пахтадан тайёрланган рақобатбардош тайёр маҳсулотларни сотишни кўпайтириш имконини беради.

Сўнгги йилларда ўзбек толаси тоифа ва микронейри бўйича энг сифатли, деб эътироф этилмоқда. Бу Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг соҳага оид фармон ва қарорларининг бажарилиши натижасида амалга оширилган таркибий ўзгаришлар самарадорлигининг ёрқин ифодасидир. Мамлакатимизнинг бу соҳадаги сиёсати барқарор ишлаб чиқариш ҳажмларини сақлаш, ўзбек пахтасининг минтақавий ва халқаро савдоси учун рақобат муҳитини яратишга асосланган.

Пахта толасини энг илғор халқаро стандартлар асосида сертификатлаш билан ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилардан мустақил бўлган, Европа ва Америкадаги етакчи пахта уюшмалари аъзоси – "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази шуғулланиб келмоқда. Юқори ликвидлиги билан ажралиб турувчи толамиз сифатини кафолатловчи мазкур марказнинг "Миллий маълумотлар базаси"да юртимиз пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқилган пахта толасининг сифат кўрсаткичлари тўғрисида тўлиқ маълумотлар жамланган.

"Сифат" марказида тола намуналарини синовдан ўтказишда энг замонавий, юқори унумдорликка эга бўлган HVI 1000 тизимларидан фойдаланилмоқда. Ушбу тизимлар ёрдамида толанинг барча хусусияти, жумладан, узунлиги, пишиқлиги, оқлик даражаси, микронейри, калта толалар улуши, узунлик бўйича бирхиллиги, эластиклиги ҳамда ушбу кўрсаткичлар орқали толанинг йигирувчанлик қобилиятини аниқлаш мумкин.

– Сифат кўрсаткичи билан бир вақтда толанинг тозалиги ҳам яхшиланмоқда, – дейди "Сифат" маркази бош директорининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Бойхонов. – Бу замонавий автоматлаштирилган тўқимачилик фабрикалари учун муҳим аҳамиятга эга. Бу борада ўзбек пахта толаларининг ўртача узунлиги ҳамда узунлик бўйича бирхиллиги сезиларли равишда юқори кўрсаткичларга эга.

Соҳада амалга оширилган ўзгаришлар, янгиланишлар эвазига пахта селекцияси ва уни етиштиришдан толани сертификатлаш ва сотишгача бўлган жараёнлар энг илғор жаҳон стандартлари даражасига кўтарилди. Ғўза селекциясида илмий тадқиқотлар олиб бориш учун яратилган қулай шарт-шароитлар натижасида селекционер олимларимиз ғўзанинг 110 дан зиёд навини яратди. Улардан 30 дан ортиғи Давлат реестрига киритилган.

Ўзбекистон олимлари эришган сўнгги ютуқлардан бири – бу дунёдаги илк ген-нокаут технологиясидир. Мазкур технология чидамли хусусиятларга эга "Порлоқ" навлари туркумини яратиш имконини берди. Бунинг самарасида мамлакатимизда янги нав толасини сотиш учун нархлар тарификациясига ўзгартиришлар киритилди ва ушбу тола бошқа навларга қараганда 12 фоиз қиммат сотилмоқда. Ҳозир бир қатор уруғчилик йўналишидаги фермер хўжаликларида "Порлоқ-1", "Порлоқ-2", "Порлоқ-3" ва "Порлоқ-4" янги ғўза навларининг уруғлик чигити тайёрланмоқда.

Бу йилги халқаро ярмарка доирасида, аввалгиларидан фарқли ўлароқ, "Пахта саноатининг ривожланиши ва жаҳон бозорида ўзбек пахта толаси рақобатбардошлигини ошириш истиқболлари", "Тўқимачилик тармоғининг рақобатбардошлигини ошириш – экспорт имкониятлари ортишининг муҳим омили", "Пахта ва тўқимачилик тармоқларида илмий ва технологик янгиликлар" каби мавзуларда учта секцияга бўлинган ҳолда ўзаро мулоқотлар ўтказилмоқда.

Ярмарка доирасида иштирокчилар "Тошкент-тола" пахта терминали, Тошкент вилоятидаги "Ўзбекистон" пахтани қайта ишлаш заводи, "UzteksChirchiq" қўшма корхонасида бўлиб, мамлакатимиз пахтачилик секторида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самаралари билан танишиш имкониятига эга бўлади. Енгил саноат салоҳияти, жумладан, маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилаётган турфа либослар намойиши ҳам режалаштирилган.

XII Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқулов сўзга чиқди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

Учтепа тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

УЧТЕПА ТУМАНИДА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2017 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни 17-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998 й., 5-6-сон, 97-модда), "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (янги тахрири) Қонуни 25-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 й., 7-сон, 353-модда), "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни 8-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 й., 4-сон, 190-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолининг ҳожатманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2016 йил 22 февралдаги ПФ-4782-сон Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 8-сон, 73-модда), "Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2016 йил 24 февралдаги ПҚ-2498-сон Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 9-сон, 85-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 34-сон, 333-модда) мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2017 йилга мўлжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаш бўйича туман махсус комиссиясининг 2016 йил 8 сентябрдаги баённини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Учтепа туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 156 та ташкилотларда аҳолининг қуйидаги тоифалари учун жами 1358 та иш ўринлари банд қилиб қўйилсин:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун – болаларини тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалга эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларни тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар хисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

Бандликка кўмаклашувчи Учтепа тумани марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

одам савдосидан жабрланганлар учун иш ўринлари.

2. Учтепа туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг 2017 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

3. Иш ўринларини банд қилувчи ташкилотлар раҳбарларига:

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2016 йил якунланишидан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2017 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир тоифа бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар Бандликка кўмаклашувчи Учтепа тумани марказига тақдим этилсин;

иловадаги шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқлаштирилиши таъминлансин.

4. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда, ташкилотнинг мансабдор шахсларига "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низом"нинг 15-бандига мувофиқ жарима солинади.

5. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини иловада белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларнинг бир қисмини Бандликка кўмаклашувчи Учтепа тумани маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашувчи жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

6. Бандликка кўмаклашувчи Учтепа тумани маркази (И.Салиходжаев):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач қонуний кучга киради.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Учтепа тумани ҳокимининг ўринбосари С. Гиясов зиммасига юклансин.

Учтепа тумани ҳокими
А. Досмухамедов

2016 йил 10 октябрь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ

"Тошкент оқшоми" газетасининг 2016 йил 6 октябрь кунидаги №208 (13.271) сонида чоп этилган эълондаги қуйидаги: "2016 йил 10 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига" жумласи "2016 йил 15 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига" деб ўқилсин.

Хизматлар лицензияланган.

ДИҚҚАТ! ОЧИҚ МУЛОҚОТ

"Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан "Агробанк"АТБ 2016 йил 15 октябрь куни банкнинг Тошкент шаҳар филиалида (Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 15-В уй) марказий аппарат ҳамда банкнинг шаҳар филиали масъул ходимлари иштирокида очиқ мулоқот ўтказилишини маълум қилади.

Унда жисмоний шахслар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бевосита иштирок этиб, банк соҳасига тааллуқли масалалар юзасидан амалдаги қонунчилик доирасида тегишли тушунтириш ва маслаҳатлар ҳамда амалий ёрдамлар олишлари мумкин.

Қўшимча маълумот учун телефон (0 371) 150 53 68.

Хизматлар лицензияланган.

"GALLANT BUSINESS"

хусусий корхонаси мулкдорининг 2016 йил 12 октябридаги 11-сонли қарорига мувофиқ, корхонанинг устав фонди 8 546 325 360,00 сўм миқдоридан 3 000 000 000,00 сўм миқдорида камайтирилиб, янги устав фондининг миқдори 5 546 325 360,00 сўмни ташкил этади.

Ариза ва мурожаатлар қуйидаги манзилда қабул қилинади. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Катта Дархон кўчаси, 9-уй.

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 31 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги кучмас мулк такроран қўйилмоқда: Тошкент шаҳар Яшнобод тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 18.09.2015 йилдаги № 2-289/15 - сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авиасозлар кучаси, 44-уй манзилида жойлашган, бошланғич баҳоси: 1 266 089 082 сўм, умумий майдони 600 кв.м.дан иборат бўлган 2 қаватли 9 хонали турар жой.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади. Юқоридаги кучмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг ХАТБ "Universal bank" Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 2020 8000 5049 3605 0001, МФО: 00996, СТИР: 207 125 885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кучаси, 10-уй. Телефон: (8371) 233 09 38. Ички 258. Лицензия: RR-0052.

Тошкент шаҳри Миробод тумани ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона дарча" маркази томонидан рўйхатдан ўтган "SMALL MOBILE CONNECTION" хусусий корхонасининг (ИНН 303895356) думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ





БИЗ ИБН СИНО ИЗДОШЛАРИМИЗ

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида Тошкент Тиббиёт академиясига 2016-2017 ўқув йилида ўқишга қабул қилинган талабаларнинг "Биз Ибн Сино издошларимиз" номли "Талабаликка бағишлов" тантанали қасамёди ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган маданий-маърифий тадбирда академиянинг профессор-ўқитувчилари, тиббиёт ходимлари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда ота-оналар иштирок этдилар.

Тадбир аввалида "Туркистон" саройининг фойесида Тошкент Тиббиёт академияси ҳаётини акс эттирувчи стендлар, Академия талабалари ижодига мансуб соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи, гиёҳвандлик, кашандаликнинг салбий таъсирини ўзида акс эттирган расмлар ва баннерлар кўргазмаси ташкил этилди.

Тадбирда Тошкент Тиббиёт академияси ректори Шавкат Каримов ва бошқалар сўзга чиқиб, биринчи босқичга қабул қилинган талабаларни табриклаб, масъулиятли касб эгалари бўлиши учун тинмай ўқиш, изланиш лозимлигини таъкидлаб ўтишди.

Бугун бу ёшлар қалбида ҳаяжон, нигоҳида эса қувончни кўрасиз. Академия раҳбарияти ушбу қувончли лаҳзалар талабалар ҳаётида унутилмас бир тарихий санага айланишини назарда тутиб, мазкур тадбирни тантанали равишда ўтказишди. Ҳар бир талаба мустақил Ватан тақдири билан ўз тақдирини боғлашга, бутун фаолиятларини она диёрга ва унинг буюк келажагига бахшида этишга, инсоният тафаккури камолига улкан ҳисса қўшган аждодларимиз меросини чуқур ўрганишга, улар ёққан чироқларни янада мунаввар этишга қасамёд қилди.

— Биз юртимизнинг бахтли фарзандларимиз, — дейди кимё фанидан ўтказилган Республика олимпиадасининг 1-ўрин соҳиби, даволаш факультети талабаси Муҳаммаджон Масейев. — Сабаби гўзал диёримизда биз, ёшлар учун кенг имкониятлар эшиги очилган. Спорт мусобақалари, фан олимпиадалари ўтказилиши, бир қатор давлат мукофотларининг таъсис этилиши фикримнинг ёрқин далилидир. Бу йил мен учун омадли йил бўлди. Юртимиздаги энг нуфузли олий ўқув юртларидан бири бўлмиш Тошкент Тиббиёт академияси талабасига айландим. Буни орзуларим сари ташланган менинг илк қадамим деб биламан. Ватаним, устозларим, ота-онам олдида менга юклатилган масъулиятни оқлашга, янада кўпроқ ўқиб, изланишга ҳаракат қилишга ваъда бераман.

Тадбир давомида Академиянинг биринчи курсига қабул қилинган талабалар ўзбек, инглиз ва рус тилларида қасамёд қилишди. Тадбир давомида Академиянинг иқтидорли талабалари, жумладан, тиббий профилактика факультети талабалари Шаҳзод Жўраевнинг "Аввал келинг, кўринг Ўзбекистонни", Шоҳрух Мусаямов томонидан инглиз тилида "Beautifule", Санжар Абдулхасов "Эслаганмисан" қўшиқлари, олий маълумотли ҳамшира факультетининг иқтидорли қизларининг "Кабутарлар" рақси, ТТА қошидаги Ҳарбий тиббиёт факультети курсантларининг саф қўшиғи йиғилганлар эътиборига тақдим этилди.

Зиёда РАСУЛОВА,
Қутбиддин НИЗОМОВ
Ислом Исмоилов олган суратлар

"Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида таҳсил олувчи ҳамда талабалар турар жойларида истиқомат қилувчи ёшлар иштирокида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳарча Етакчилар Кенгаши томонидан маънавий-маърифий, ижтимоий-ҳуқуқий соҳаларни қамраб олувчи, турли йўналишлардаги тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШГА ЭЪТИБОР

Шу ишларнинг давоми сифатида юртимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва суд жараёни билан яқиндан танишиш ва ёшларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида Жиноят ишлари бўйича Олмазор тумани судига ташриф ташкил қилинди.

Ундан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг мамлакат миқёсидаги сиёсий жараёнларга муносабатини шакллантириш, ёшларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қонунларига ҳурмат ҳиссини камол топтириш, фаол фуқаролик позициясини янада шакллантириш ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларни мамлакатда бўлаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги янгиликлар билан таништириш, қолаверса уларни юртга бўлган садоқатини оширишдан иборатдир.

Тадбирда талаба-ёшлар учун суд ходимлари иштирокида давра суҳбати ташкил этилди. Суҳбат жараёнида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари қонун ҳимоясида эканлиги, бунда суд ҳокимиятининг роли, Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари мавзуларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмазор туман суди судьяси М.Юсупов, М.Абидовлар давра суҳбати давомида талаба-ёшларни қизиқтирган барча саволларга жавоб бердилар.

— Бугунги тадбирдан ўзимга керакли бўлган кўплаб ҳуқуқий маслаҳатларни олдим, — дейди Тошкент Давлат техника университети талабаси Ф.Абдуллаева. — Бу каби тадбирларда биз, ёшлар кўпроқ иштирок этсак, ўйлайманки ҳар биримиз олдимизга қўйган мақсадларга етишимизда ҳуқуқий жиҳатдан керакли маълумотларни оламиз.

Шаҳноза АБДУЗОҲИРОВА
ЎзМУ талабаси

"КАМОЛОТ" ХАБАРЛАРИ

"Камолот" ЁИҲ Олмазор туман Кенгаши томонидан намунавий "Камалак"ка аъзоман" тантанали қасамёд маросими тумандаги 315-умумий ўрта таълим мактабида ўтказилди.

Унда мактабдаги 4-синф ўқувчилари "Камалак" болалар ташкилотига аъзоликка қабул қилиндилар. Ўқувчилар Ватанимизга содиқ бўлишга, "Камолот"да, жамоат ишларида фаол бўлишга тантанали қасамёд қилишди. Болажонларни Тошкент маданият коллежи ўқитувчиси, "Ёш маҳмончилар" кўрик-танлови ғолиби, "Ижро завқи–2016" фестивали лауреати Дилмурод Тошмуродов ўзининг қўшиқлари билан хушнуд этди. Шунингдек, ўқувчилар томонидан тайёрланган турли рақс ва қўшиқлар, бадиий чиқишлар тадбир иштирокчиларига кўтаринки кайфият бағишлади. Тадбир якунида ўтган ўқув йиллари давомида ташаббускор ва фаол ишлаган мактаб "Камалак" сардорлари туман Кенгаши томонидан фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

* * *

Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицейида "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, "Камолот" ЁИҲ шаҳарча Етакчилар Кенгаши, Олмазор туман "Соғлом авлод учун" хайрия фонди тиббий-ижтимоий маркази билан ҳамкорликда "Гиёҳвандлик – аср вабоси" мавзуида учрашув ўтказилди.

Тадбирни ташкил этишдан мақсад – ёшларни соғлом турмуш тарзига риоя этишлари, бўш вақтларини мазмунли ҳамда унумли ўтказишга чорлашдан иборат бўлди.

Тадбир давомида гиёҳвандлик ва унинг салбий оқибатлари, келиб чиқадиган касалликлар, ногирон фарзандларнинг дунёга келиши ҳамда эрта никоҳнинг салбий оқибатлари ҳақида кўргазмали материаллар орқали батафсил маълумотлар бериб ўтилди.

(Ўз мухбиримиз)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 18 ноябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 42-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига 3.05.2016 йилдаги № 16229-30/20/5-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани суд ижрочилари томонидан хатланган қуйидаги мулклар аукцион савдосига қўйилмоқда.

1. 2010 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 01 S 939 UA, оқ рангли, "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси 50 257 500 сўм.

Автомототранспорт воситаси сақланаётган жой: Тошкент шаҳар 8-сонли жарима майдончаси.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 17 ноябрь куни соат 18.00да тўхтатилади.

Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим лозим.

– жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

Савдога қўйилган мулклар билан суд департаменти бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт 20208000004959643001 АТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302221689. www.koss.uz Телефонлар: 0371 276-42-62; +99897 790-95-95.

Гувоҳнома 5477

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272- ва 287- моддаларига асосан эгалигида солиқ солинадиган мол-мулки ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш муддати ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар этиб белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунчиликда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик Суд тартибида мажбурий ундирувга қаратилади.

Шундай экан мол-мулк ва ер солиқларини 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг!

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Юридик ва жисмоний шахсларга Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси, шунингдек, унинг қуйи тизимидаги ходимларининг давлат хизматларини кўрсатиш жараёнларида, улар томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзага келганда тезкор чора кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатларининг поймол бўлмаслигини таъминлаш ҳамда бошқарма ва корхона фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи "ишонч телефони" тизими жорий этилди.

Ишонч телефони рақами: 239-35-21
Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти.

"AUTO MEGA TRADE" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига:

1. Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, "Жар Ариқ" жарима майдончасида сақланаётган 23.06.2014 йилдаги 672-4800-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 12 559 500 сўм, 1999 и/ч., дав/рақ: 01H996CA бўлган техник носоз автортранспорт воситаси савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2016 йил 16 ноябрь куни соат 11:00 да ўтказилади

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача), аукцион бошланишидан олдин (Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 16 ноябрь куни ўтказиладиган савдоларига 2016 йил 14 ноябрь соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "AUTO MEGA TRADE" МЧЖнинг АТБ "Капитал Банк" Марказий Амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000900603278001, МФО: 01088, ИНН: 303877274. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 16 "А"-уй. Тел: 239-29-40.

Гувоҳнома № 009293.

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Учтепа филиалига тегишли бўлган қуйида рақамлари келтирилган 18 (ўн саккиз) дона қатъий ҳисобда турувчи ТХ-1Ш патталари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

2353440 – 1 дона	2427771 – 1 дона
2405206 – 1 дона	2427772 – 1 дона
2405207 – 1 дона	2427773 – 1 дона
2417192 – 1 дона	2427774 – 1 дона
2433360 – 1 дона	2427775 – 1 дона
2431355 – 1 дона	2429395 – 1 дона
2436970 – 1 дона	0884386 – 1 дона
2427769 – 1 дона	0883092 – 1 дона
2427770 – 1 дона	2440467 – 1 дона

"101"

КИЧИК НОСОЗЛИК КАТТА ТАШВИШ КЕЛТИРАДИ

Пойтахтимизда юз бераётган ёнғинлар таҳлили шуни кўрсатадики, содир бўлаётган офатларнинг кўпчилиги аҳоли турар жойларига тўғри келмоқда.

Шу боис, барчамиз ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этишимиз, айниқса, қиш кунларида турли носоз, қўлбола иситиш воситаларидан фойдаланмаслигимиз, газ плиталарини назоратсиз қолдирмаслигимиз лозим. Иситиш мосламаларидаги кичкинагина носозлик вақтида тузатилмаса, жуда катта кўнгилсизликларга олиб келиши мумкин.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлашда фақатгина соҳа ходимларининг хизмати етарли эмас. Бунинг учун барчамиз ҳамжиҳатликда ҳаракат қилмоғимиз лозим. Шундагина ўзимиз ва яқинларимизнинг ҳаётида юз бериши мумкин бўлган нохуш воқеаларнинг, турли кўнгилсизликларнинг олдини олган бўламиз.

Комил АРИПОВ,
12-ҲЁХО, 23-ҲЁҲҚ кичик инспектори, сафдор

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9224
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 1055
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4775 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 13.50
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **14 октябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 5-7, кундузи — 13-15 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **14 октябрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*